O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K...
INV.№

КОНСТИТУЦИЯМИЗ—ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҚОМУСИ!

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 6 декабрь, шанба № 147 (1879). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 6 декабря, 2003 г. № 147 (1879). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Конституция—юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

Анъанага кўра, бу йил ҳам 5 декабрда мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Олий суд раиси Ф. Муҳиддинова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, неча йилдирки, юртимиз янги йилни янги бир хайрли ном билан қарши олади. Бундай номлар замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги мужассам.

Юртбошимиз истиқлол йилларида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвийлик мавжудлигига эътиборни қаратди.

Ўтиб бораётган Обод маҳалла йилида юртимизнинг ҳар бир гўшаси янада ободонлашди, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари тағинда мустаҳкамланди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур маҳаллаларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Президентимиз кириб келаётган 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари билан маъқулланди.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз, — деди Юртбошимиз.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди. (ЎзА).

Машғулотлар қизғин

Подполковник Мурот Сапаров Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари сафида хизмат қилади.

— Барча қисм ва бўлинмаларда бўлганидек, бизда ҳам янги 2003—2004 ўқув йили кўтаринки руҳда бошланиб кетди, — дея гап бошлади биз билан суҳбатда у. — Биз янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрган эдик. Аввалдан керакли адабиётларни, синфхоналарни тахт қилиб қўйган эдик. Офицерлар билан ҳам, шартнома бўйича хизматчилар билан ҳам, аскарлар билан ҳам машғулотларни тажрибали офицерларимиз ўтказишяпти.

Ҳаво сарҳадларимиз хавфсизлиги асосан ана шу қўшинлар сафларида хизмат қилишаётган Ватанимиз ҳимоячиларига боғлиқ. Уларнинг жанговар шайлиги юксак даражада бўлса, демак ҳимоя ҳам ишончли бўлади. Буни командир ва бошлиқлар ҳам, шахсий таркиб ҳам жуда яхши тушунишади. Шу боис улар ҳарб илмини пухта ўрганишиб, маҳоратларини ошириш йўлида астойдил ўқиб-ўрганишмоқда, изланишмоқда.

Машғулотлар қизғин давом этаётир.

Подполковник **А. БАЙРАМОВ.**

БОШ ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАБ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан билим юрти тарбиявий ишлари бўлими, Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди ва округ прокуратураси билан ҳамкорликда офицерлар ва курсантлар иштирокида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманни билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Абдуғани Ҳамидов кириш сўзи билан очди.

Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси адлия капитани Ҳабибулло Рахметов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат, суд ҳокимияти тизими, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принциплари» тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, у ўз сўзида мамлакатимизда бўлаётган демократик ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда суд ҳокимиятининг роли, Конституция талабларининг шу

(Давоми 2-бетда).

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, сизлар орқали барча халқимизни Конституциямизнинг ўн бир йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар йили бу қутлуғ санани пойтахтимиз Тошкентда, вилоят ва шаҳарларимизда, бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Асосий Қонунимизнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, унинг олдимизга қўяётган вазифалари ҳақида сўз юритамиз. Ҳозиргина Олий Суд раиси Фарруҳа Муҳиддинованинг мазмунли маърузасида баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда, рухсатингиз билан, мен ҳам ўзимнинг Конституциямизга алоқадор баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Мана, 11 йилким, биз ҳаётимизнинг Асосий Қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз. Мана, 11 йилким, Конституциямизда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида том маънода белимизни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституциямиз олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб, таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, Конституциямиз ғояларини амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиздаги ҳали-бери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар, олдимизда турган тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритиш, уларни бартараф этиш ҳақида бош қотириш кераклигини уқтириб ўтмоқчиман.

Нега деганда, биз ўз фаолиятимизга танқидий, холисона баҳо бермас эканмиз, то ҳануз йўлимизда дуч келаётган нуқсон ва камчиликларни тан олмас эканмиз, уларни ечишга четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермайди. Бу аччиқ ҳақиқатни барчамиз ўз ҳаётимизда, ўз мисолимизда кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам фақат ўзимизники. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик, етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига аввало ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз.

Шу ўтган вақт мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик, ҳаётнинг ўзи бизларни не-не синовлардан ўтказмади. Ва бугун ҳам — буни очиқ айтиш керак — дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали, ўта хавфли замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана шундай вазиятда эл-юртимизни эсон-омон, осмонимизни мусаффо сақлаш, ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан оғишмай олдинга юриш нақадар оғир ва мураккаб вазифа экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Шу минбардан туриб бугунги кунимиз, келгуси авлодларимиз олдида ўз масъулиятимизни чуқур сезган, англаган ҳолда, бир ҳақиқатни қатъиятлик билан таъкидламоқчиман: биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттирамиз. Агар баъзиларга ўхшаб, кимнингдир етовида кўр-кўрона юрадиган бўлсак, тақдиримизни ҳал қилувчи масалалар бўйича узоқни кўзламасдан, енгил-елпи қарорлар қабул қилсак, ўйлайманки, бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади. Ва бундай йўл охир-оқибатда келажагимизга зиён етказиши, оғир пушаймонликка олиб келиши муқаррар.

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қимматини ва гурурини сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

(Давоми 2-бетда).

Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

Улуғ байрам, катта шодиёна катта туҳфалари билан гўзал. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва эл фаровонлигига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ ватандошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Ҳаммангизга маълумки, Конституция байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимизни қутлаб, уларга ана шу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши бир анъанага айланиб қолди, — деди Президентимиз.

— Бугун мен мана шу муҳташам залга тўпланган сиз, азизларимни, сизлар орқали давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланган барча ватандошларимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз касбини улуғлаб, ўз соҳасида қўлга киритаётган улкан ютуқлари, ҳаётий тажриба ва олижаноб фазилатлари билан бутун халқимиз, айниқса, ёш авлодимизга ибрат ва намуна бўлиб келаётган юртимиз фидойиларини кўрамиз.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз, аввалambор, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий нишон соҳиби бўлган миришкор ва саховатли фермер Аҳмад Нарзуллоев, уста пахтакор Аваз Эргашев, заҳматкаш чўпон Серикбой Сагатов, пўлат эритувчи Абдураҳмон Абдураззоқов, театр санъатимизнинг ёрқин намояндаси Зикир Муҳаммаджонов, қорақалпоқ элининг куйчиси, таниқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов каби янги қаҳрамонларимизни табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Бугунги тантанали маросимда ўзининг ибратли ҳаёти, бебаҳо илмий ва ижодий мероси билан мамлакатимиз илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс хизмат қилган, бутун умрини эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бағишлаган марҳум ватандошларимизни эслаш ва қадрлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу маънода, машҳур файласуф, жасоратли инсон Иброҳим Мўминов, қишлоқ хўжалиги фанининг етук намояндалари Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаев, юрак жарроҳлиги соҳасида ўз мактабини яратган Восит Воҳидов каби буюк олимларимизни, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам замондош ва шогирдларига ибрат бўлган Шуҳрат ва Асқад Мухтордек мумтоз адибларимиз, маданиятимиз тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Толибжон Содиқов сингари ўлмас сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганини дунёда Ватан ва халқ олдидаги хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир карра исботлайди.

Бугун мен мана шу залга жам бўлган инсонлар тимсолида кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини, ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз-мураббийларни, халқимиз салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш учун самарали меҳнат қилаётган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндаларини кўриб турганимдан беҳисоб хурсандман.

Бугун сизларнинг орангизда ҳозирги таҳликали замонда осмонимизни мусаффо сақлашга, юртимизни ҳар қандай таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилишга қодир

(Давоми 2-бетда).

● ЁШ ОФИЦЕРЛАР — АРМИЯМИЗ КЕЛАЖАГИ

ЯНГИ МАВСУМ— ЯНГИ ИМКОН

— Ёшлигимда ҳамма нарсага, айниқса, радиоприёмник ва магнитофонларнинг қай йўсинда ишлашини билишга жуда қизиқардим, — дейди Сардорбек Собиров. — Табиийки, «тадқиқот»ларим баъзан техникани яроқсиз ҳолгача олиб келарди. Ота-онамдан гап эшитсам-да, «изланиш»дан тўхтамасдим. Ишонасизми, болалигимнинг севимли ўйинчоқлари — радионинг эҳтиёт қисмлари, турли микросхемалар эди. Ҳазиллашиб, мени «уста», деб чақиришарди. Беғубор қизиқишим келажакда касб танлашимда туртки бўлишини билмаган эканман.

Мақоламиз қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди номли ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейни битиргач, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетига кириб ўқиди. Асли Хоразмнинг Урганч шаҳридан бўлмиш ёш лейтенант С. Собиров ҳозирда батальон алоқа хизматининг бошлиғи.

(Давоми 2-бетда).

Билим ва маҳоратлари ошаётир

Бу кўҳна ақида — вақтдан тўғри фойдаланган ютади, вақтни қўлдан бой берган ютқазади.

Мен учувчилар полковниклар — Александр Харламов, Акбар Ярбобоев ва подполковник Жамолиддин Исмоиловлар билан кўп бора учрашганман, суҳбатда бўлганман, фаолиятлари тўғрисида ёзганман. Бир нарсага қатъий амин бўлганманки, улар вақтнинг шиддатда қадрига етадиган ҳарбийлар сирасидан. Шу боисдан ҳам уларнинг кундан кунга, ойдан ойга, йилдан йилга билимлари ортиб, маҳоратлари юксалмоқда.

— Учувчи бўлишни ҳамма ҳам орзу қилиши мумкин, — дейди полковник Акбар Ярбобоев. — Бироқ учувчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Хабарингиз бўлса керак, учувчиларни энг соғлом инсонлар деб эътироф этишади. Бу, албатта бежиз эмас. Соғлигида озгинагина камчилик бўлган учувчининг учишига рухсат этилмайди. Ҳар қандай самолётни, айниқса, жанговар самолётни бошқариш жуда мураккаб. Соғлом бўлиш ўз йўлига. Учувчига ўткир зеҳн, пухта билим керак. Жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват бўлиши лозим. Жанговар самолёт ҳар қанча соз бўлмасин, кутилмаган зўриқишлар, кутилмаган вазиятлар юз бериши табиий ҳолат. Бунга тайёр бўлмаган учувчини олдинда нима кутаётганлигини айтмасам ҳам бўлади.

Биз учувчилар шунинг учун ҳам ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишимиз шарт ҳам.

— Жанговар самолёт ёки вертолёт билан осмонга кўтарилганингизда сиз билим, маҳорат ва тажрибангиз билангина иш кўрасиз, — дейди полковник Александр Харламов. — Демак, осмонда муваффақиятли учиш учун аввало ерда пухта тайёргарлик кўриш лозим. Ўқиб-ўрганиш, изланиш учувчининг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

— Иштиёқ иштиёқлигича қолиб кетмаслиги учун астойдил ҳаракат қилган киши албатта мақсадига етади, — дейди подполковник Жамолиддин Исмоилов. — Бунинг учун фақат битта шарт бор. Вақтдан тўғри фойдаланиш керак, холос.

Учала учувчи ҳам битта фикрни қайд этишяпти. Бу ҳам бўлса вақтдан фойдаланиш масаласи. Ва бу борада уларнинг ўзлари сафдошларига ўрнак. Ортда қолган ўқув йилида уларнинг учаласи ҳам ўқув йили якунига кўра энг илғор учувчилар деб топилди.

Мана, Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили ҳам қизғин бошланиб кетди. Худди шунингдек учувчиларимиз ҳам ўз билим ва маҳоратларини оширишга киришди.

Улар «бизнинг жанговар шайлигимиз ва ҳушёрлигимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллигига муносиб совғамиздир» дейишмоқда.

Яна вақт масаласига қайтамиз. Вақтдан унумли фойдаланган ҳар бир Ватан ҳимоячиси назарий машғулотларда ҳарб илмидан олаётган сабоқларини мустаҳкамлаб, амалий машғулотларда эса уларни янада юксалтиришларига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу маънода, Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Ҳатто бизни хуш кўрмайдиган айрим сиёсатчи ва таҳлилчилар ҳам бу йўлнинг тўғри эканини тан олди ва бу сиёсат бугун ўзининг ижобий натижалари ва ҳосилини бермоқда.

Бунинг исботини ҳаётимизнинг барча босқич ва соҳаларида — бу давлатимиз ва жамиятимиз сиёсий-ижтимоий тизимининг янгича, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг юксалиши, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими — биз танлаган йўл ва ислоҳотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларининг таркибини тубдан ўзгариши, янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши, рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувига эришганимиз ва унинг тобора мустаҳкамланиб бориши, нархнавонинг жиловланиши, умуман, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши — буларнинг барчаси аввалambор халқимизнинг ҳаёт даражасига ижобий таъсир ўтказаётгани ҳақида гапиришга бугун тўлиқ асос бор.

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги натижалари эълон қилинди. Холис ва аниқ далилларга асосланган ушбу ҳужжатда юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида биз қўлга киритаётган ютуқларнинг эътироф этилиши ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, одамларимиз онгу тафаккури, маънавий дунёсининг замонга мос равишда ўзгариб бораётгани юртимиздаги янгиланишлар жараёнининг энг муҳим белги-аломатидир, десак, асло хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар, ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, билим ва тафаккур бугунги кунда етакчи ва ҳал қилувчи ўринга қўйилмоқда. Миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Агар мендан, бугун биз қандай энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз керак, деб сўраса, мен бу борада кейинги йилларда ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалаларни алоҳида кўрсатган бўлардим.

Лўнда қилиб айтганда, ташқи сиёсат соҳасида узоқ яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил бўлиб яшаш, дунёнинг етакчи давлатлари — у АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари бўладими, Россия ёки Хитой, Япония ёки Жанубий Корея бўладими — барчаси билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг куч-қудрати ва бизга бўлган хайрихоҳлигидан ўзаро манфаатли муносабатлар йўлида фойдаланишимиз лозим.

Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса — бу ҳам жуда чуқур, принципиал аҳамиятга эга — ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир.

Яъни, тараққиёт пойдевори бўлмиш иқтисодиёт соҳасига давлат аралашувини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, бозор муносабати тамойилларига сўзда эмас, амалда риоя қилиш, унинг қонуний кафолатларини ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Энг муҳими, ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатига кенг имкониятлар очиб бериш. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яъни ишнинг негизини биладиган одамлардан таркиб топган бу тоифа салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш.

Бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотида уларнинг ҳиссаси учдан бир қисмни ташкил этаётган бўлса, яқин беш-ўн йил ичида бу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

Бу эса, ўз навбатида, кўпкўп масалаларни, аввало, ишсизлик масаласини, қатор ижтимоий муаммоларни ечиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини беради. Мухтасар қилиб айтганда ташқи ва ички сиёсатимиз йўналишларини белгилаб берадиган бундай ёндашув пировард натижада — мен буни аниқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман — халқимиз ва келажак авлодларимизнинг эркин ва озод бўлиб, дунё ҳамжамияти билан тенг бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга яхши маълум — кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга, сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, алоҳида ном бериш ўзига хос бир анъанага айланиб қолди.

Бундан мақсад, биз шу тариқа ҳаётимиздаги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини жамиятимиз, халқимизнинг эътибор марказига қўйиб, бу муаммони ечиш учун давлат ва унинг ҳокимият идораларини жалб этамиз.

Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбарликка даъват этамиз.

1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик — бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими — уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўриш мумкин.

Чунончи, янги асрнинг учинчи йилини юртимизда «Обод маҳалла йили» деб номлаганимиз замирида ҳам катта эзгу ниятлар кўзда тутилганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз.

Ўйлайманки, Обод маҳалла йилида амалга оширган кўпгина ишларимизга, 2003 йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда албатта якун ясаймиз. Ушбу масала бўйича марказда ва жойларда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Йил давомида амалга оширган хайрли ишларимизнинг ташаббускор ва ташкилотчилари бўлган фаолларимизнинг меҳнатига ҳам муносиб баҳо берилади.

Менга буюрса, аввало, ўз ишини қандайдир ҳисобот ёки кўз-кўз этиш, кимгадир миннат қилиш учун эмас, балки дил амри, қалб эҳтиёжи деб биладиган, ён кўшни — жон кўшниси, ўз маҳалласи учун жон куйдириб ишлаётган бундай инсонларни бошимга кўтарардим, барримга босиб, ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдирардим.

Ҳаётга мана шундай фаол муносабат билан яшайдиган, меҳнати доим ҳам кўзга ташланмайдиган, аммо жамият учун ўта зарур, ўта муҳим вазифани адо этадиган ана шундай одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар менинг фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Мен ҳозир сизларнинг ҳузурингизда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси бўйича батафсил ахборот бериб ўтирмасдан, бу борада бажарилган энг муҳим ишларнигина эслатиб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, ҳиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширган катта ишларимиз қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлмиш ҳашар йўли билан бажарилгани, айниқса, ибратлидир.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртимиз иштирок этганини, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин.

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик ҳайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, аср-лар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» номли кўргазма намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш, яна кўплаб ишларни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди. Аввалambор, маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди.

Шу билан бирга, маҳалла тизимига доир айрим муаммолар ҳали-ҳозир ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиши керак.

Мисол учун, шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс.

Нега деганда, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланади.

Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида таклифлар тайёрлашни маъқул, деб биламан.

Кўпчиликни, азиз дўстлар, маҳаллаларимизни ва маҳаллада яшаётган одамларнинг ҳаётини том маънода обод этиш, оғирини енгил қилиш учун ҳали олдимизда яна талай вазифалар турибди. Биз шуни яхши тушунамиз, бошлаган кўпгина хайрли ишларимизни давом эттириш ва охиригача етказиш бир йил ёки битта дастур билан тугамайди, албатта.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, юртимизда олиб бораётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларга жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг эътиборини, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2004 йилни мамлакатимизда **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай снёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳа, бугун биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда қарор топтириш йўлидан бормоқдамиз.

Лекин мустақилligимизнинг биринчи кунлариданоқ, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганимиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳаётда ҳаммамиз ҳам бой бўлишни, бадавлат яшашни хоҳлаймиз. Ва бу табиий ҳол, табиий интилиш.

Албатта, шундай ҳаётни қарор топтиришда, ҳар қайси инсон Яратганнинг ўзи унга ато этган қобилиятини рўёбга чиқариши учун давлатимиз ва жамиятимиз барча шароит ва имкониятларни тутдириб бериши керак ва аввало, муҳтож оила ва одамларга тегишли ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Лекин ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. **Бу бизнинг асл миллий қадриятларимизга ҳам мос келади.**

Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади.

Муҳтарам юртдошлар!

Меҳр ва мурувват йили «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало обод кўнгилдан бошланади. Биз Обод маҳалла йили шиори остида бир йил яшадик. Бугун шу йил давомида амалга оширилган хайрли ишлар одамларнинг ички дунёсига, руҳиятига қандай ижобий таъсир ўтказганини исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Кириб келаётган йилни **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишдан ҳам мақсадимиз — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, бизнинг азалий қадриятларимизга суяниб яшаб келаётганимиз 12 йил давомида ўзини оқлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва динимиз арконлари ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётгани юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишига, айниқса, ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас бешик бўлмиш оилани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мана шундай фазилатларни юртдошларимиз онгу тафаккурига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний қарияларимизга, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига — мен шуни очиқ айтишим керак — ҳаётимизнинг оғир-енгилига бардош бериб, жамиятимизнинг таянч устунлари бўлиб келаётган мухтарама оналаримиз, мунис опа-сингилларимизга мана шу минбардан яна бир бор таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Ҳар сафар сиз, азизлар билан кўришар эканман, мана шундай учрашувлар мен учун қувонч ва куч-қувват беради.

Бугун ҳам шу учрашувдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга қалбимдаги меҳр ва севгимни изҳор этиш имкониятига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Барчангизни Конституциямизнинг 11 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Военно-политические новости

НОВЫЙ КОМАНДУЮЩИЙ

В Зимбабве назначен новый командующий вооруженными силами. На место уходящего в отставку генерала Виталиса Звинаваше был назначен соратник президента Роберта Мугабе Константин Гувейя Чивенга. Он вступает в должность с 1 января 2004 года, сообщило министерство информации.

ШВЕДСКИЕ МИРОТВОРЦЫ...

Швеция планирует отправить 200 миротворцев в Либерию для помощи в установлении мира после 14-летней гражданской войны. Как предполагается, шведские военнослужащие будут посланы в Либерию в начале февраля и будут работать вместе с ирландским батальоном, говорится в сообщении командования национальных вооруженных сил.

ПРИЗНАН ВИНОВНЫМ

Немецкий суд признал виновным американского бизнесмена иракского происхождения в нарушении законов об экспорте оружия, после того как он в 1999 году переслал в Ирак материалы, которые используются для производства артиллерийских орудий дальнего действия. Общая сумма сделки составила 205 тыс. евро. 60-летний американец был приговорен к четырем годам и девяти месяцам лишения свободы.

НА 20% ВЫШЕ

В России государственный оборонный заказ в 2004 году с учетом бюджетных и внебюджетных источников превысит 340 млрд. рублей. Об этом заявил премьер-министр Михаил Касьянов, «Гособоронзаказ на 2004 год, таким образом, будет на 20 процентов выше аналогичного показателя 2003 года», — добавил премьер.

ПОСЛЕ ОКОНЧАНИЯ ВОЙН...

Более 90 стран, в том числе США, подписали соглашения, по которому они берут на себя обязательства после окончания войн очищать территорию от неразорвавшихся кассетных бомб, мин, ракет и других боеприпасов. Этот протокол был создан с целью снизить большое число пострадавших среди мирного населения от боеприпасов, оставленных после вооруженных конфликтов. Эти правила вступят в силу после того, как новый протокол будет ратифицирован государствами.

ПЕРВЫЙ СЛУЧАЙ

Власти США предоставили адвоката содержащемуся на американской базе в Гуантанамо австралийцу Дэвиду Хиксу, который, предположительно, является членом террористической организации «Аль-Каида». Об этом сообщило министерство обороны США. Подчеркивается, что это первый случай предоставления американского адвоката иностранцу, содержащемуся в Гуантанамо. Однако никакого обвинения Хиксу по-прежнему не предъявлено.

«СТРАТЕГИЧЕСКОЕ РЕШЕНИЕ»

Австралия присоединится к американской системе противоракетной обороны. Об этом сообщил министр иностранных дел страны Александр Доунер. «Это стратегическое решение, ориентированное на защиту безопасности Австралии от возможной атаки с использованием баллистических ракет», — заявил министр.

ОКОЛО 20 ТЫС... В БЕГАХ

По данным военного прокурора Москвы генерал-майора юстиции Сергея Алексеева, в настоящее время около 20 тыс. российских военнослужащих находятся в бегах. По его словам, условно «самовольщиков» можно разделить на две группы: те, кто категорически не хочет служить из-за сформированного негативного отношения к армии вообще, и те, кто пострадал от неуставных отношений. Для ликвидации дедовщины, считает Алексеев, необходимо повысить призывной возраст до 19 лет и проводить призыв только раз в году — осенью. «В таком случае новобранцы не будут сталкиваться с «дедами» и такое явление, как неуставные отношения, пропадет само по себе», — считает генерал.

(По страницам Интернета).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлган, хавфсизлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ўғлонларимиз, ҳарбийларимиз борлиги, албатта, барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бугун мана шу даврамизда ўтирган, ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган сиз — навқирон авлод вакилларини, Ўзбекистонимиз шуҳратини бутун дунёга таратаётган спортчи ёшларимизни қутлаш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Афинада бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун эрта барча вилоятларимизда, меҳнат жамоаларида ҳам мукофотларни топширишга бағишланган мана шундай шодиёна маросимлар бўлиб ўтади, — деди Президентимиз.

Мен бугун — бепоён даларда ёки корхоналарда бўладими, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — барча жабҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган жамики юртдошларимни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман.

Худдики уларга ҳам юксак мукофотларни ўз қўлим билан топширгандек, кўксингизга ярашиб турган унвон ва нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга омад ва бахт келтирсин, деб ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Муҳаммаджонов ва Тулепберген Қаипбергенов, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум адиб Шуҳратнинг ўғли «Ўрта-осиётранс» ҳиссадорлик компанияси касаба уюшмасининг раиси Фикрат Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Алиса Подпоренко, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Манзурахон Эгамова, Аброр Хидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Киктев ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, «Дўстлик» ордени соҳиби Руслан Шарипов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундади, янги-янги зафарли марраларни эгаллашга илҳомлантиришни таъкидлади. Юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

Оддий аскар Акмал Маҳмудов ўз конституциявий бурчини муносиб ўтаб келаётган посбонлардан. Унинг хизмат вазифаларини намунали тарзда ўтаётгани, синовмашқларда, ўқув машғулотларида фаол қатнашаётгани бунинг яқол исботидир.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

СТАРТОВАЛ ОЧЕРЕДНОЙ НАБОР

На днях в расположении воинской части под командованием майора Рустама Халилова состоялся митинг, посвященный началу военных сборов граждан, зачисленных на службу в мобилизационный призывной резерв (МПР).

Открыл митинг кратким вступительным словом заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Нурмухамад Муллабаев. К участникам сборов со словами поздравления и приветствия обратились начальник отдела УДО Джизакской области майор Абдувахоб Фозилов, командир взвода сборов старший лейтенант Абдулла Тоштемиров, командир части майор Рустам Халилов, заместитель хокима города Джизака — председатель городского совета женщин Холбуви Мансурова.

От имени граждан, зачисленных на сборы, выступил Шарофиддин Тожибоев, заверивший гостей — нынешнее поколение молодых джизакцев будет свято хранить верность славным традициям старших поколений, старательно осваивать азы профессии защитника Родины.

По окончании митинга гости ознакомились с условиями размещения участников сбора и остались довольны. В казармах светло, тепло, на прикроватных тумбочках расставлены цветы, что создает обстановку почти домашнего уюта. В первый день боевой учебы участники сборов побывали в парке боевых машин, где ознакомились с мерами безопасности при работе с вооружением и на технике.

В торжественном митинге принял участие также исполняющий обязанности заместителя Командующего ЦВО подполковник Юлдошали Рахмонов.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара». Джизакский гарнизон. (Передано по факсу).

БОШ ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

демократик жараёнларнинг ривожланишида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида офицер ва курсантларга тушунтириб ўтди. Шундан сўнг Марказий округ ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси адлия майори Ҳусан Қаҳҳоров «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ифодаси» мавзусида маъруза қилди ва Асосий Қонунимизда ижтимоий адолат тамойиллари жаҳонда тан олинган андозаларга мос эканлигини таъкидлаб ўтди.

Анжуманда ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси майор Ғайрат Ўсаров ҳам маъруза қилиб, Бош Қомусимиз яратилиши тарихи ва ҳаётимизда тутган ўрни хусусида тўхталди.

Йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган саволларга адлия майори Ҳ. Қаҳҳоров, адлия капитани Ҳ. Раҳметов ва билим юрти бошлиғи подполковник Олимжон Эрматовлар жавоб беришди.

Капитан Нурилло АЗИМОВ, билим юрти тарбиявий ишлар бўлими катта офицери.

ЯНГИ МАВСУМ — ЯНГИ ИМКОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳаёт қизиқ нарса-да. Кечаги хатти-ҳаракатларингиз бугунги дунёқарашингизга тўғри келмаслиги мумкин. Курсантлик даврининг илк кунларида «мендан қандай офицер чиқар экан-а», «мен ҳам аскарларни устозларимдек бошқара оламанми?» қабилидаги саволлар, шубҳалар кўп қийнар эди. Бунинг устига табиатан уятчанроқ бўлганлигим баъзан қийин аҳволга тушишимга сабаб бўларди. Шунинг учун ҳам ҳарбийликни энг аввало келажакда дадил, мард инсон бўлишни кўлаб танлаганман. Айтишим мумкинки, бу ниятимга озми-кўпми эришдим, — дейди лейтенант.

— Сардорбек офицер сифатида фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди қисм алоқа хизматининг бошлиғи майор Иброҳим Тожибоев. — Ўйлайманки, касбий билимга ҳамда, ўз бўлса-да, тажрибага эга қатъиятли бу йигит жамоамизнинг ўрнак олса арзигулик намуналари аъзосига айланади. Демак, бошланган янги ўқув йилида кўрсатиладиган натижалар ҳам шунга яраша бўлади.

Дарвоқе, лейтенант С. Собировнинг курсантлик даврини бирга кечирган ҳамкасб дўсти, лейтенант Саидкамол Шобурхонов ҳам айнан шу қисмда хизмат қилмоқда. Табиатан ҳазилкаш, қувноқ бу йигит ўқиш даврида Бобуржон Ғазиев номли стипендия совриндори бўлган.

— Мана, Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик тўйига ҳам оз фурсат қолди. Бу катта шодиёнани, байрамни миллий армиямиз сафларида айнан офицер сифатида кутиб олаётганимиздан бениҳоя мамнунмиз, — дейди Сардорбек ва Саидкамоллар.

Дарҳақиқат, олий ҳарбий билим юртларининг бу йилги битирувчилари — ёш офицерлар юртимизнинг турли гарнизонларида ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Бироқ, бу — уларнинг ҳар бири янги жамоада дарҳол ўз ўрнини топиб кетди, дегани эмас. Табиийки, бунинг учун сабр-тоқат, ақл билан иш тутиш ва асосийси вақт керак. Демак, янги ўқув йилининг қишки мавсуми уларга ўзини ҳар томонлама кўрсатиш даври бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

„Ўзбекистон Республикаси Конституцияси буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати“

Ҳар бир давлат Конституциясининг аҳамияти жамиятни умумбашарий ва миллий қадриятлар асосида ташкил этишдадир. Бу ҳужжат ўз моҳияти билан ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий бош белгиларидан бири ҳисобланади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг адолатли давлат, фаровон жамият ҳақидаги асрий орзу-истакларини рўёбга чиқариб, унинг шакли ва маънавий қиёфасини аниқ намоён этди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида таъкидлаб ўтганидек, «Ўзининг Асосий Қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси илгари қабул қилинган конституциялардан моҳияти жиҳатидан тубдан фарқ қилади, яъни:

Биринчидан: у ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра мустақиллик ғояси билан суғорилган янги ҳужжатдир.

Иккинчидан: Асосий Қонун ўзида акс этган такомиллаштирилган янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради.

Учинчидан: Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган.

Тўртинчидан: Асосий Қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавобан Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини тан олган ва мустаҳкамлаган.

Бешинчидан: Асосий Қонунимизда жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниб, ижобий томонларидан атрофлича фойдаланилганлиги билан маънавий ва ҳуқуқий қадриятларимизни ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштириб қўлланилганлигидадир.

Конституция — мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий кафолатидир. Унинг барча моддалари ана шу ғоя билан суғорилган.

Конституциянинг 13-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабоқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор янги демократик қадамлар қўйилди. Жумладан, Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти жорий қилинди ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари алоҳида қонунлар билан белгилаб берилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маркази ташкил этилди.

Шу ўринда прокуратура органлари тизимида ҳам янгидан-янги тармоқлар очилди ва улар ўз фаолиятларини муваффақиятли тарзда амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий сиёсат демократия, инсонпарварлик, олий ахлоқ ғоялари билан суғорилган. Бу эса Ўзбекистонда тинчликни барқарорлаштириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, давлат, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги бирлигида ўз ифодасини топмоқда.

Қайд қилинганлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, биринчидан: давлатнинг ягоналиги, мустақиллиги ва яхлитлиги; иккинчидан: барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бирдек сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга эканлиги, қонун олдида тенг ва давлат ҳуқуқий муносабатларининг тўлақонли субъекти ҳисобланиши; учинчидан: мамлакат бутун ҳудудида Ўзбекистон фуқароларига уларнинг конституциявий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг давлат-ҳуқуқий муҳофазаси таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV бобида прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий қоидалари белгиланган бўлиб, бўлар ҳуқуқий-демократик давлатни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, қонун устуворлигини таъминлашда ҳам мамлакатимизга улкан масъулият юклайди. Бу шарафли, масъулиятли вазифани бажариш билан бирга, қонун муҳофазасининг энг олдида турган ҳамкасбларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг негизида адолат тамойилларига асосан қабул қилинган барча қонунлар, шунингдек Республикамиз Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини оғишмай бажарилишини таъминлай бориб, барчага намуна бўлгувчи юксак онглилик, билимлилик, ҳамда фидокорлик намоён этадилар.

Улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган сўзларини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган эди. Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қатъий интизом бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Мустақиллигимиз, Конституциямиз берган саодатнинг қадрига етиб, жамиятда юксак ҳуқуқий онг ва маданиятни тўла шакллантириш орқали адолатга, қонун устуворлигига, бу билан, ўз навбатида, порлоқ келажагимиз биноси қурилишига муносиб ҳиссамизни қўшиш жамият, Ватан ва халқимиз олдидаги қарзимиз, фуқаролик бурчимиздир.

Адлия майори Ш. ОТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, кадрлар бўлими бошлиғи.

МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

«Ўзбекистон — суверен демократик Республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади».

Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларига кирувчи 1-моддадир. Мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар шу улуғвор Қомусга акс садодир.

Асосий Қонунимизга 11 йил тўлмоқда. У қандай дунёга келди? Конституция республикамиз раҳбарияти ва халқимизнинг икки ярим йил давомидаги фидойиларча меҳнати натижасида, мустақиллик ва адолат йўлидаги курашининг маҳсули сифатида янгидан дунёга келди. Ўн бир йилдирки, мустақил юртимиз ўзининг Асосий Қонуни — Конституцияси асосида яшаб келмоқда.

Инсонпарварлик тамойили, миллий қадриятларимизга асосланган Конституциямиз мактабнинг бошланғич синфларига махсус «Конституция алифбоси» дарслиги сифатида киритилган ва шу асосда ўқитилмоқда.

Конституция муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлиги, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳақида сўз юритилади. Бу бежиз эмас. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадидаги саъй-ҳаракатларимиз замон талабларига муштаракдир.

Конституциянинг 125-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади».

Бу билан шу нарса англашиладики, Қуролли Кучлар сафида бўлиш шунчаки хизмат эмас, Ватан олдидаги юксак масъулиятли муқаддас бурчдир. Ватан ҳимоячиси қандай бўлмоғи керак? Бугун унга катта талаблар қўйилган. Биргина жисмоний етуклигининг ўзи камлик қилади. У ҳар томонлама билимдон, ҳуқуқий саводхон, маънавияти юксак инсон бўлиши шарт.

Ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ҳарбий адлия ходимлари билан ўтказиладиган учрашувлар муқаддас бурч масъулиятини терапроқ англатиш мақсадида тез-тез уюштирилади.

Ўзбекистон Конституцияси ҳар биримиз учун азиз ва қадрлидир. Уни асраш ва ҳурмат қилиш бурчимиздир. Юқорида 1-моддани бежиз келтирмадик. Чунки Асосий Қонунда Ватанимизнинг давлат суверенитети акс этган. У тилимизга давлат мақомини берилганлигини мустаҳкамлади, халқни ҳокимият манбаи сифатида эътироф этди. Асосий Қонуннинг 13-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Шундай экан, уни билиш, амал қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Адлия подполковниги
Номурод ЖАББОРОВ,
республика ҳарбий суди судьяси.

ВЕРНОСТЬ СЛАВНЫМ ТРАДИЦИЯМ

— Наши Вооруженные Силы за годы своего существования, — говорит заместитель командира по воспитательной работе старший лейтенант Ш. Шарипов, — приобрели значительный боевой опыт, выработали определенные моральные нормы, правила, традиции. Они воплощены в Военной присяге, уставах, в повседневном укладе армейской жизни.

Именно в традициях заключена великая сила примера, побуждающая воинов в учебе и службе равняться на лучших, всегда и во всем подражать им. Потому на жизненном опыте ветеранов воспитываются новые поколения защитников Родины.

— Воспитательное значение боевых традиций в том и состоит, — вступает в разговор командир взвода капитан А. Джамалов, — что они помогают нашим воинам получить правильное представление о героических делах старшего поколения, познать путь, пройденный нашими Вооруженными Силами, проникнуться уважением к трудной и почетной воинской службе. Пропаганда боевых традиций помогает устанавливать преемственность поколений, сплачивать личный состав в единую боевую семью, повышать боеспособность нашего воинского коллектива. Вот почему этому вопросу накануне 11-летия нашей Конституции и в ходе подготовки к 12-летию Вооруженных Сил у нас уделяется серьезное внимание.

В ходе лекций и бесед личный состав знакомится с такими традициями, как беззаветная преданность Родине, массовый героизм, дружба и войсковое товарищество, взаимная помощь и выручка в бою, стремление к совершенствованию своего воинского мастерства и общественно-политических знаний.

— Да, стремление к совершенствованию своего воинского мастерства и общественно-политических знаний, — рассказывает младший сержант по контракту Д. Тангриев, — является настоящим, традиционным для нас правилом. В этом мы еще раз убедились в ходе проведенной на эту тему беседы. Известно, что оружие и боевая техника непрерывно развиваются, совершенствуются и способы их боевого применения. Это обязывает каждого из нас не останавливаться на достигнутом, постоянно осваивать новейшие образцы, способы их применения в современном бою. Иначе воин может оказаться беспомощным перед лицом врага, в положении орла со связанными крыльями. Для меня и моих сослуживцев стало не только служебным долгом, но и делом чести добиваться отличных успехов в учебе, повышать классность, быть мастером своей специальности.

— Интересный разговор о традиционных нормах поведения военнослужащих состоялся у нас в преддверии празднования Дня Конституции, — констатирует рядовой Ш. Ниязметов. — Речь шла о дружбе и войсковом товариществе, взаимной помощи и выручке в учебе и в бою. Мои сослуживцы считают делом чести оказывать помощь товарищу, никогда и нигде не оставлять его в беде, выручать из опасности. Сплоченность коллектива, чувство локтя, уверенность в своих товарищах умножают силу каждого из нас, помогают лучше выполнять стоящие перед нами задачи, укреплять воинскую дисциплину.

Ветераны — частые и желанные гости в подразделении. Умудренные жизненным опытом аксакалы рассказывают сегодняшним защитникам Родины о том, как создавались и развивались боевые традиции, призывают воинов хранить и приумножать их самоотверженным ратным трудом. После таких встреч праздничное воодушевление солдат воплощается, как правило, в практические дела, в новые успехи в боевой учебе и службе.

И, конечно же, активно развиваются у воинов взгляды, навыки и привычки к соблюдению традиций при выполнении стоящих задач. Они успешно завершили работы по совершенствованию учебно-материальной базы. И теперь на занятиях в новом учебном году, как и прежде, создается обстановка, приближенная к боевой действительности. Она станет побуждать воинов на деле проявлять высокие морально-боевые качества, подражать действиям лучших специалистов, успешно выполнять принятые в честь Дня защитников Родины обязательства.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Инсон манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — жамиятимиз ва давлатимиз эришган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳамда маърифий тараққиётни акс эттирган кўзгу бўлиб, унда халқимизнинг иродаси, руҳияти, эътиқоди, ижтимоий-сиёсий онги ўз ифодасини топган. Бизнинг Конституциямиз миллий, минтақавий, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган буюк ҳужжатдир. «Зотан, Конституциямиз, — Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, — давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир». Агар унинг бўлимлари, боблари, моддалари ва бандларидаги ғояларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ эътибор берсак, асосий Қонунимизнинг ўтмишдаги, яъни шўро тузуми давридаги Конституциялардан кескин фарқ қилишига амин бўламиз.

Шўро давридаги Конституцияда мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисобланган бўлиб, инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилганди. Бу омил ўша даврда фуқароларнинг давлат олдида қарам ва мутеъ бўлиши учун сиёсий ва иқтисодий асос бўлиб хизмат қилди.

Асосий Қонунимизда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Унинг иккинчи моддасида: давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, дейилган. Бу — фуқаролар манфаатларининг қонуний йўл билан кафолатланишидир.

Конституциямизда хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган (53-модда). Хусусий мулк бошқа мулк шаклларидан дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Демак, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва белгиланган тартибгагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. 43-моддада давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, дейилган бўлса, кейинги моддада ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги барча чоралар қонуний тартибда қўлланилади. Бундай тартибнинг аниқ ва равшан регламенти, унга қатъий риоя қилиш — ҳуқуқ ва эркинликларнинг самарали ҳимоя қилиниши ҳамда қонунийликнинг ишончли кафолатидир. Асосий Қонунимизда бир қатор процессуал йўсиндаги фуқаролик ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Булар, моҳиятига кўра, асосий ҳуқуқий кафолатлар бўлиб, одил судлов тартиби уларга таянади ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларда, ҳар бир шахснинг юридик ёрдам олиши кафолатланишида, айбсизлик презумпцияси жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, юртимизда инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик тизими негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари ташкил этади. Шунингдек, Бош Қонунимизда ва миллий қонунчилик тизимида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўз аксини топган. Мазкур омиллар юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, дейишга имкон беради.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, давлатимизнинг юзи, обрў-эътибори, ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатиш, инсоннинг олий қадрият деб ҳурматлаб, унинг барча манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у Буюк Бахтнома сифатида эътиромга сазовор бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, Қомусимиз инсон манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Адлия подполковниги
С. ЯҚУБОВ.

КОНСТИТУЦИЯ И ДУХОВНОСТЬ

Изучение роли, содержания и сущности Конституции, воспитание правового сознания молодого поколения, повышение его культуры, пропаганда Основного Закона имеют важное значение. Распоряжение Президента Ислама Каримова «Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан» служит в этом деле важным руководством к действию.

В различных министерствах, ведомствах, общественных организациях, учреждениях образования, творческих союзах проводится большая работа по выполнению этих задач.

Каждый гражданин должен уметь полностью использовать свои права и свободы, закрепленные в Конституции, уважать права, честь и достоинство других, добросовестно выполнять возложенные на него правовые обязанности. Совершенствование правовых знаний начинается в первую очередь с изучения нашего Основного Закона.

Об этом шла речь на тематической встрече «Конституция и национальная духовность», прошедшей в Республиканском центре «Маънавият ва маърифат».

(УзА).

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Ҳар бир мамлакат ва жамиятнинг тарихида шундай улуғ саналар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурнинг самараси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига киради.

Бу мўътабар китоб (Конституция) Ватанимизнинг қудратли сиймосини ҳуқуқий тилда ифода этган.

Конституциямиз ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, айни пайтда халқимизнинг азалий ва эзгу қадриятларига ҳам асосланиб яратилган.

Конституциямизда Давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканлиги, Ўзбекистон (давлати) халқининг миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этиши ва бу халқ номидан фақат халқ сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

Конституциямизнинг умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Конституцияда инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик қилишни кафолатлайди.

Маълумки, ҳозир ер юзида 200га яқин миллий давлатлар мавжуд. Бу давлатларнинг Конституциялари мамлакатдаги асосий хусусиятларни, миллий воқеликни акс эттиради. Бинобарин, Конституция давлатнинг фақат асосий қонуни бўлиб қолмай, миллатнинг эзгу ғояларини ҳам ўзида ифодалайди. Ҳар қандай миллат уни бирлаштирувчи, порлоқ келажакка чорловчи буюк ғояларсиз миллат бўла олмайди. Миллий ғоялар, энг аввало, ўша миллатнинг турмуш тарзида, орзу-умидларида, дини ва маданиятида намоён бўлади.

Бу ғоялар мамлакатдаги барча аҳолини, сиёсий партияларни, ҳаракатларни жипслаштиради, буюк мақсадлар ушалишига олиб боради.

Ҳозирги кунда халқимизнинг бош мақсади озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин ва фаровон турмуш яратишдир. Давлатимиз сиёсатининг туб-тубида ҳам ана шу миллий ғоя ётади.

Конституциямиз миллий озодлик, яратувчанлик ғоясини ўзида акс эттириди ва ҳуқуқий кафолатлайди.

Асосий Қонунни билиш, ўрганиш ва ўргатиш, унга оғишмай риоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчидир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни чин кўнгилдан муборакбод этамиз.

Адлия лейтенанти
Х. КАМОЛОВ,
Навоий ҳарбий суди судьяси.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

НАТО: АДОВАТДАН ҲАМКОРЛИК САРИ

2003 йил НАТО тарихидаги энг мушкул даврлардан бири бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Буни Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг Бельгия пойтахти Брюсселда бўлиб ўтаётган мажлисига йиғилганлар ҳам эътироф этишди.

Ирим асрдан кўпроқ вақт давомида океаннинг икки соҳилидаги якдиллик рамзи бўлган мамлакат жиноятини Ироқдаги операция жиддий синовдан ўтказди. Адоват энг авжига чиққан палла НАТОнинг тарқаб кетиши ҳақидаги фикрлар ҳам ҳақиқатга яқин туюла бошлаганди. Лекин вақт иттифоқчилар бир-бирисиз яшай олмаслиги, ҳамкорликни давом эттириш лозимлигини кўрсатди. Эски гаплар секинаста унутилиб, адоватнинг ўрнини ҳамкорлик ҳисси эгаллай бошлади. Томонлар НАТОнинг Афғонистон ва Ироқдаги аҳамиятини юксалтириш масаласини жиддий муҳокама қилишга киришгани эса бу фикрнинг яққол далили бўлади.

Шимолий Атлантика иттифоқи фаолияти изга тушаётгани аъзо мамлакатлар мудофаа вазирларининг учрашувида ҳам кўзга ташланганди. Ташқи ишлар вазирларининг мажлисидан олдин бўлиб ўтган учрашувда Ироқ можароси пайтида қарама-қарши фикрда бўлган Буюк Британия билан Франция ва Германия вакиллари иттифоқнинг НАТОдан айри ҳолда фаолият юритувчи Европа штабини тузиш борасида фикр алмашган. Режага кўра, бу штаб ҳарбий операцияларни мустақил режалаштириш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу масала ҳали ҳамон жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган эса-да, кузатувчилар НАТО келажакка йўналтирилган режаларни муҳокама қилаётганининг ўзи катта гапларни айтмоқда. Бундан ташқари, томонлар 2004 йил март ойига бориб, Босниядаги тинчликни сақлаш кучлари таркибидаги ҳарбийлар сонини 12 мингдан 7 мингга камайтириш ҳамда НАТОнинг ядровий, кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимоя бўйича халқаро батальонини тузишга келишиб олгани диққатга сазовор.

Шимолий Атлантика иттифоқининг Ироқ ва Афғонистондаги аҳамиятини юксалтириш масаласида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, бу борада гапириб, АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Оқ уй маъмурияти НАТОнинг Ироқда фаолият юритишига қарши эмаслигини айтган. Лекин кузатувчилар бу борадаги аниқ режа йўқлиги сабабли иттифоқ асосий диққатини Афғонистонга қаратиши, мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрни билдирмоқда. Негаки, НАТО аъзолари бу мамлакатда анча-мунча тажриба тўплашга улгурган. Бу эса иттифоқ яқин келажакда Афғонистонда барқарорликни таъминлашни ўз зиммасига олиши учун қулай замин яратади.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«ЭКОСАН»НИНГ ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги ва «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди.

Республикамизда «Экосан» жамғармаси ташаббуси билан Экология ва саломатлик кунларининг Конституция кунига бағишланган учинчи босқич тадбирлари давом этмоқда.

— Экология ва саломатлик кунларининг асосий мақсадларидан бири кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёрдамга муҳтож аҳолига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишдир, — деди жамғарма раиси Юсуф Шодиметов. — Саломатлигининг асосий омилларидан бири бу атроф-муҳитнинг тозалигидир. Чунки муҳитнинг ифлосланиши инсон организмига бевосита таъсир кўрсатади.

Тадбир қатнашчилари тумандаги 77-руҳий болалар интернати ва Тошкент вилояти руҳий анамал болалар уйида бўлиб у ерда саломатлигини тиклаётган 360 нафар болаларга кийим-кечак, озиқ-овқат ва дизенфекция воситаларидан иборат қиймати 1 миллион сўмдан зиёд бўлган инсонпарварлик ёрдамини топширишди.

«Туркистон-пресс».

Новости науки и техники

ОПОЗНАЕТ, А ПОТОМ?

В Токийском университете создан новый вид робота. Он запоминает лица людей и здоровается при встрече, обходит препятствие, умеет брать и переносить предметы...

Вместо глаз у робота камеры, которые фиксируют и вносят в память компьютера всех и все, что он видит. А увидев раз, никогда не забудет и при всякой встрече будет приветствовать поднятой рукой и называть по имени.

«Человечек» — ростом 145 см и ходит со скоростью 1 километр в час.

АЛЛО! ПОНЮХАЙ ЭТОТ ЦВЕТОК...

В недалеком будущем владельцы мобилок 3-го поколения смогут отправлять и получать запахи. Открытие сделали специалисты шотландской компании «Электроник Аромас». Суть его состоит в том, что телефоны будут снабжены специальными кассетами со стандартным набором «базовых» веществ, сочетания которых позволят имитировать различные запахи. Код того или иного аромата будет передаваться с помощью стандартных импульсов из записной книжки.

КОСТЮМ ДЛЯ ИНВАЛИДОВ

Около 30 японских фирм работают над созданием механического костюма для инвалидов. Механическая одежда для инвалидов представляет собой костюм с рюкзаком, содержащим мини-компьютер и элементы питания, приводящие в действие двигательные механизмы на коленях и бедрах, облегчая движения. Благодаря этой разработке инвалиды смогут передвигаться со скоростью 4 километра в час, практически не прилагая усилий.

КОСТИ ИЗ СТЕКЛА

Новый вид биоактивного стекла, разработанный в Великобритании, позволяет наращивать кость прямо внутри тела. Новинка уже применяется в лечении и протезировании зубов. Ученые считают, что биостекло может с успехом использоваться при восстановлении сломанных костей, а также для лечения остеопороза.

ЭВТАНАЗИЯ — ВЫХОД ИЛИ ТУПИК?

Новое изобретение одного из самых известных в мире сторонников эвтаназии австралийского врача Филипа Ницшке было представлено на прошедшей в Сиднее конференции его сторонников. Устройство, которое поможет безнадежно больным людям без посторонней помощи покинуть бренный мир, предельно просто: оно чем-то напоминает кислородную подушку с той лишь разницей, что вдохнуть из резервуара нужно угарный газ. Привести в действие механизм должен сам решившийся на добровольную смерть. Эвтаназия в Австралии запрещена. Но доктор Ницшке упорно отстаивает право людей иметь выбор. И интерес к его идеям, судя по всему, есть.

(По материалам Интернета).

ЗОМИНДА ҚЎШМА КОРХОНА

Жиззахда қўшма корхоналар сони биттага ортди. Зомин туманидаги электр механика заводи негизида Россия ишбилармонлари билан ҳамкорликда «ЭГЛУС» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу ерда асосан электр, маиший хизмат жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Корхонада ҳозирча 40 нафар ишчи меҳнат қилияпти.

ОБСУЖДЕНЫ ПРОБЛЕМЫ ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА

Неузнаваемо меняется облик городов нашей страны, с каждым днем они становятся все краше. При этом их последовательное развитие идет с обязательным учетом норм и требований современного градостроительства и зодчества, демографических проблем и целесообразности размещения на их территории промышленных объектов.

Об этом шла речь на международной научной конференции «Урбанистическая культура Узбекистана», состоявшейся в Научно-исследовательском институте искусствознания Академии художеств Узбекистана. На ней обсуждались вопросы, касающиеся истории и своеобразия формирования городов в процессе развития общества, перспективы их роста.

Назокат УСМАНОВА,
корр. УзА.

● «КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ»

САМАРАСИ ЗЎР САБОҚЛАР

«Конституцияни ўрганамиз» танлови учун мўлжалланган барча саволлар «Ватанпарвар» газетаси орқали эълон қилиниб, уларга энг сўнгги жавобларни ҳам олиб бўлдик. Ғолиблар, рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари хусусида танлов ҳайъати қароридан сўнг маълум қиламиз. Шу ўринда эса таҳририятга келган жавоблар, таклифлар, мулоҳазалар асосида танлов ҳақида таҳлилий фикрларни айтиб ўтсак.

Аввало бир нарсадан хурсандмиз. Танловдан кўзланган мақсадга қайсидир маънода эришдик. Тест саволлари эълон қилинаётган даврда кўплаб телефон қўнғироқлари бўлди. Ҳатто газетхонларимиз, ҳарбийларимиз таҳририятга келишиб, фикр, муносабатларини айтишди. Эсингизда бўлса, тест саволлари ёзилган купоннинг охирида «таклифлар» деган сатри бор эди. Кувонарлиси шундаки, танловнинг деярли ҳар бир иштирокчиси бунга эътибор қаратишган ва кўплаб таклифлар киритишган, мулоҳазалар билдиришган. Демак, бу ҳарбий хизматчиларимизда мазкур танлов қизиқиш уйғотганидан далолат. Келинг, яхшиси фикримизни купонлар билан йўлланган алоҳида таклифлар, мулоҳазалар орқали давом эттирайлик. Мана қўлимизда Навоий гарнизонида хизмат қилаётган оддий аскар Жаҳонгир Абдураҳимовдан келган мактуб: «...2003 йил баҳорги чақирувда муддатли ҳарбий хизматга келганман. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих ва ҳуқуқ факультетини тугатганман. Биз «Конституциявий ҳуқуқ» фани бўйича ҳам сабоқлар олганмиз. Мана энди армияга келиб, олган билимларимни яна бир бор синовдан ўтказишга имкон туғилди. «Конституцияни ўрганамиз» танлови аскарлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширади деб ўйлайман».

Энди Қаршидан мактуб йўллаган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дониёрбек Ҳакимовнинг фикрларига қулоқ тутайлик: «Танлов менда хизматга янада меҳр, Ватанга муҳаббат, содиқлик ҳиссини уйғотди. Хайрли ишларингизнинг натижаси албатта кўринади. Чунки ҳарбий хизматчилар Бош Қомусимиз ҳақида озгина бўлса-да, билимларини мустаҳкамлаб, демократик жамият қурилишида ҳисса қўшишади. Бўлажак юрист сифатида айтмоқчиманки, бундай танловлар ижтимоий адолат Қомусини янада пухта ўрганишимизда муҳим».

«1997 йилда Жиззах агротадбиркорлик коллежининг «Ҳуқуқшунослик» бўлимини тугаллаб, айни пайтда Қуролли Кучлар сафидаман. Тест саволларига жавоб излаш баробарида кўп бора Конституциямизга юзландим. Олган сабоқларимни эсладим. Танловнинг ўзи ҳатто ўзига хос мактаб вазифасини ўташи мумкин», дея мактуб битибди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилмурод Умрзоқов. Шу ўринда Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг ахлоқий-руҳий тайёргарлик бўйича катта офицери, танловнинг фаол иштирокчиларидан бири майор Абдуллахон Темировнинг мактубидан парча келтирамиз: «Конституцияни ўрганамиз» танлови тест саволлари нафақат шахсий таркибнинг фикрлаш қобилиятини оширишга, балки Асосий Қонунимизнинг барча боб, бўлимларини пухта ўқиб-ўрганишга ундайди. Мазкур тест саволлари олий ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий қисмларда шахсий таркиб билан ишлашда қўл келмоқда. Айниқса, Қуролли Кучларимизда тарбиявий ишларни олиб боришда, қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш лозимлигини шахсий таркибга ўргатишда танлов аҳамияти беқиёс бўлаяпти».

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари жиззахлик Бахти Очилова купонларнинг ҳар бирига таклифлар битган. «Шундай тест танловлари мунтазам бўлса», «танлов ғолиблари билан яқиндан таништирсангизлар» қабилида. Таҳририятга йўлланган мактубида эса «Конституцияни ўрганамиз» танловида бошидан иштирок этолмаганидан афсусдалиги, яна танловлар уюштирилса мунтазам қатнашажагини ёзган.

Танловнинг характерли жиҳати, ўтган йилги, яъни «Умумҳарбий Низомларни ўрганамиз» танловидаги ғолибларнинг бу гал ҳам фаоллигидир. Масалан, катта лейтенант Қамбарали Азизов, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жуманазар Маматов, Қуролли Кучлар хизматчиси Марғуба Исмоиловалар шулар жумласидан.

Иштирокчилар тоифасини таҳлил қилганимизда қуйидагича манзара ҳосил бўлди: шартнома бўйича хизматчилар 35 фоиз, офицерлар 30 фоиз, курсант, аскарлар 20 фоиз. Захирадаги офицер, пенсионер, ўқитувчи, талаба, ўқувчилар 15 фоизни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, жойларда курсантлар, аскарлар билан бундайин танловлар моҳияти хусусида тарбиячи-офицерлар кенг тушунтириш ишларини олиб бормоғи лозим.

Фаоллик даражаси хусусида гап кетадиган бўлса, биринчи ўринни Тошкент ҳарбий округи посбонларига берса арзийди. Айниқса, майор Бахтиёр Абдушбаев хизмат қилаётган жамоа ҳарбий хизматчиларининг танловдаги иштирокига таҳсин айтмоқ жоиз. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ, Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчиларининг ҳам фаоллигини таъкидласа бўлади. Бироқ, Шарқий ҳарбий округ, айниқса, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ вакилларининг фаоллиги сезилмади.

Маълумки, Мудофаа вазирининг мазкур танлов борасида чиқарган буйруғида танловнинг олий ҳарбий билим юртлари курсантларининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилгани хусусида ҳам гап бор. Айнан шу мақсаддан келиб чиқиб, олий ҳарбий билим юртларимиз курсантларининг танловдаги иштироки даражасини ҳам таҳлил қилдик. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Шерзод Ҳикматов, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Мирсаид Шукуровларнинг фаоллиги, тест саволларига аниқроқ жавоб беришга уринишганини таъкидлаш мумкин. Тошкент олий умумқўшин билим юрти курсантлари ҳам кўплаб жавоблар йўллашди. Аммо Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсантлари иштирокидан кўнгил тўлмади. Бундан икки хулоса чиқариш мумкин: танлов моҳияти бўлғуси офицерларга тўла етиб бормаяпти ёки курсантларимизда унда қатнашишга хоҳиш йўқ. Ҳарбий билим юртлари ўқитувчи-офицерларининг танловда иштироки ҳақида тўхталадиган бўлсак, Самарқанддаги ўқув масканимиз бу борада етакчи эканлигини англаймиз. Жумладан, подполковник Салимжон Ҳафизов, майор Бегбўта Ҳамидовлар танловда фаоллар қаторида бўлишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, танлов иштирокчиларининг беш фоизигина аёллар экан. Яъни, шартнома бўйича хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари. Бу рақам орқали айтмоқчимизки, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари деярли иштирок этишмади.

Айрим иштирокчиларнинг танлов шартларига зид ҳолда бир гуруҳ бўлиб жавоб йўллашлари ёки купонга эмас, қоғозга жавобларни битиб, таҳририятга жўнатиши ҳам қайд этилди. Ўйлаймизки, бундай ҳолатлар келгусида ўтказилажак танловларда бартараф бўлади. Баъзи бир ҳарбий хизматчилар эса танлов саволларининг айримларини топа олишмагани хусусида мактублар битишган. Агар ўз вақтида обунага улгурмаган бўлсангиз, сиз хизмат қилаётган қисм ва бўлинмада газета таҳламлари бўлиши керак-ку!

Танлов давом этган дастлабки пайтларда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг фаоллиги сезилди. Бироқ танлов ниҳоясига бориб, бу борада сусайиш бўлди. Кувонарлиси шундаки, шартнома бўйича хизматчилар танловнинг бошидан охиригача фаолликни қўлдан беришмади.

Бош Қомусимиз борасида танлов ўтказиш ниятимизни аввалданоқ Давлат тест маркази мутахассислари қўллаб-қувватлашди. Марказ ходимларининг ҳарбий хизматчиларимиз ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тест саволлари иштирокчиларни изланишга, ўқиб-ўрганишга ундади. Шу ўринда Давлат тест марказига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва умид қиламизки, ҳамкорлигимиз ҳали давом этади.

Жойларда, яъни ҳарбий ўқув муассасалари қисм ва бўлинмаларда мазкур танлов саволларини тўплам ҳолига келтириб, ҳарбий хизматчиларнинг Асосий Қонунимиз ҳақидаги билимларини текшириб кўрса бўлади. Ўйлаймизки, тарбиячи-офицерлар чоп этилган тест саволларидан унумли фойдаланишнинг янги усул, услубларини топишади.

Таҳририятга келган жавоблар асосида шундай хулоса қилиш мумкин: ҳарбий хизматчиларимиз Конституциямизни янада пухта ўрганишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бефарқ эмас. Гап фақат бу борада янгича усул, услубларни қўллашда.

Капитан Алижон САФАРОВ,
танлов масъул котиби.

Узбекистан вступает в «Открытый мир»

Впервые по программе «Открытый мир» сорок девять ведущих политиков, экономистов и общественных деятелей нашей страны отбыли в Соединенные Штаты Америки.

Программа «Открытый мир» была создана по инициативе Конгресса США в 1999 году для обмена опытом российских политиков и представителей различных отраслей с их американскими коллегами и непосредственного знакомства россиян с жизнью американского гражданского общества. В начале этого года наша страна была утверждена Конгрессом США в качестве нового участника программы.

«Открытый мир» организует визиты специалистов государственной службы, бизнеса и культуры в разные города Америки, где участники знакомятся с культурной и общественной жизнью этой страны.

Как отметил в беседе с журналистами Временный поверенный в делах США в Узбекистане Дэвид Эпплтон, данная программа вносит большой вклад в укрепление демократии и экономического развития Узбекистана, позволяя его представителям увидеть демократические процессы в Америке в действии и обменяться мнениями со своими коллегами. Это уникальная возможность для народов двух стран узнать о жизни другого общества и установить профессиональные контакты на будущее.

Интенсивные десятидневные профессиональные программы визита делегатов в США посвящены вопросам экономического развития, здравоохранения и развития независимых средств массовой информации. Участники, в числе которых представители Министерства здравоохранения, Центрального банка, известные журналисты, руководители неправительственных организаций, предприниматели, после двухдневной подготовительной сессии в Вашингтоне разъедутся в Алабаму, Калифорнию, Айову, Кентукки, Огайо, Пенсильванию, Техас, где будут работать по своим профессиональным программам.

Они будут участвовать в заседаниях за «круглым столом» в университетах, неправительственных организациях и редакциях СМИ. Встретятся также с губернаторами штатов, мэрами городов, представителями Федерального резервного банка США и руководителями компаний, посетят местные больницы и общественные организации. На этих встречах делегаты обсудят такие темы, как роль правительства в экономических реформах, инвестиции и международное сотрудничество, участие женщин в бизнесе, медицинское обслуживание на селе, профилактика туберкулеза, ВИЧ-инфекции и наркомании, освещение вопросов демократии в СМИ и другие.

Хулкар САДЫКОВА,
корр. УзА.

Неъматлар ичида энг азизу ноёби нон,
Ҳатто ушоғи увол, инсоннинг савоби нон.
Уни яратган қўллар матонатдэ толмасин,
Кекса-ёш эъзоз қилур, кўзларнинг тавоби нон.

● ТУРФА ОЛАМ

ФИЛЬМЛАР ИНТЕРНЕТГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

АҚШ кино саноати янги маҳсулотларини интернет тармоғи орқали намойиш этишни режалаштирмоқда. Мазкур режа амалга ошса, 2005 йилдан томошабинлар янги фильмларни интернет орқали кўриш имконига эга бўлади.

АҚШ кинематография уюшмаси раҳбари Жек Валентининг таъкидлашича, янги фильм ДВД-дисклар ва видеокассеталарга ёзилгунга қадар тўғри интернет тармоғига ўтказилади. АҚШ киноижодкорлари мазкур усул билан ўзларининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялашни кўзламоқда. Уларнинг фикрича, шу йўл билан ўз маҳсулотларини ўғирлаб сотишдан ҳимоя қилиш мумкин.

Киноижодкорлар ноқонуний ДВД-дисклар ва видеокассеталар савдоси билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтиришни мутлақо самарасиз усул ҳисобламоқда. Мазкур турдаги жиноят ўзининг сердаромадлиги билан кўпчиликни ўзига жалб қилади. Шу сабабли бу иллатга барҳам бериш анча мушкул.

Ҳозир кинокомпаниялар «Микрософт» ва «Ньюлет Паккард» каби йирик корпорациялар билан ҳамкорликда фаолият юритаётир. Мазкур компаниялар билан биргаликда кинофильмлар учун ҳимоя қобиғи, яъни уларнинг интернетга ҳавфсиз ўтишини таъминловчи дастурлар яратиш режалаштирилган.

Кинокомпаниялар тажриба тариқасида баъзи фильмларни интернет сайтлари орқали намойиш қилди. Масалан, «Матрица» каби йилнинг энг оммабоп фильмлари кинотеатр экранларида пайдо бўлишидан олдин интернет орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

«Мовиелинк» интернет портали кинофильмларни бепул тармоққа жойлаштириш имконини беради. Бироқ фильмни фақат бир неча ойдан сўнг, яъни улар кинотеатр экранларида намойиш этиб бўлинганидан кейин томоша қилиш мумкин. Бунинг устига «Мовиелинк» фақатгина АҚШ ҳудудида ишлайди.

Интернет тармоғи орқали кинофильмларни ноқонуний равишда ёзиб олиб савдога чиқариш ҳоллари кучайганча йўқ. Бироқ, шуни таъкидламоқ лозимки, кинофильмларни интернетга чиқариш оммалашгани сари уларнинг тармоқдан ўғирланиши ҳам авж олиб кетиши мумкин.

АҚШ сенаторлари фильм ўғриларига нисбатан жиноий жазо қўллаш бўйича янги қонун лойиҳасини таклиф этаётир. Мазкур лойиҳага мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқини бузишда айбдор топилган шахслар беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши керак.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Шаклда белгиланган ҳондан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Мамлакатимиздаги ижро ва бошқарув органи. 2. Қонун билан белгилаб қўйиладиган айрим фуқароларга яратиладиган енгиллик. 3. Қомусимизда қайд этилган «Давлат суверенитети» бобидан: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди... ва бўлинмасдир». 4. Республикамиз Олий Мажлисига вакил тайинлаш маросими. 5. Ўзига хос мардлик учун бериладиган Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири. 6. Конституциямизнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» бобидан: «Ҳар ким ..., сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга». 7. Пойтахт маскан. 8. Бош Қомусимизнинг 41-моддасидан: «Бепул умумий ... олиш давлат томонидан кафолатланади». 9. Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрувчи, тегишли рамзларга эга бўлган мустақил мамлакат. 10. Конституциямизнинг 36-моддасидан: «Ҳар бир шахс ... бўлишга ҳақли». 11. «Фуқароларнинг бурчлари» бобидан: «Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки ... хизматни ўташга мажбурдирлар». 12. Конституциямизнинг VII бобидан: «Ҳар ким ... ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга». 13. Бош Қомусимизда қайд этилишича: «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ... дахлсиз ҳуқуқлари олий ... ҳисобланади». 14. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» ҳафта ҳисобига кўра қабул қилинган кун. 15. Давлатимиз назоратидаги илмгоҳ. 16. «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобида қайд этилган ҳуқуқлардан бири. 17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёга келишида муқаддимада қайд этилган жиҳатлардан бири. 18. Ватанимизнинг Бош Қомуси таркиб топишида муҳим ҳисса қўшган ҳуқуқшунос олим. 19. Давлат томонидан ўрнатилмайдиган жамиятдаги турли қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. 20. Ўзбекистон Республикасида тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган инсон. 21. Қомусимизнинг XV боби номидан: «Оммавий ... воситалари». 22. Атоқли ижодкор, «Ўзбек қомуси» шеърн муаллифи. 23. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижроси таъминланадиган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган қонун кучига эга бўлган ҳужжат.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 144-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 4. Семинар. 6. Қоровул. 7. Туман. 8. Синус. 9. Кумуш. 10. Лимон. 12. Рубидий. 13. Талитий.

БЎЙИГА: 1. Адвокат. 2. Камон. 3. Телефон. 5. Румий. 6. Қанот. 10. Линотип. 11. Назарий. 14. Қовун.

ШАКЛ АТРОФЛАРИ БЎЙИЧА «ЗАНЖИР» ҲОЛИДА: 15. Раф. 16. Феъл. 17. Люкс. 18. Сеул. 19. Луб. 20. Бива. 21. Адад. 22. Доир. 23. Рум. 24. Милк. 25. Карп. 26. Прус. 27. Сим. 28. Меҳр. 29. Рейс. 30. Садр. 31. Нок. 32. Кетмон. 33. Нун. 34. Нитрат. 35. Тол. 36. Лобзик. 37. Куч. 38. Чистон.

● СПОРТ

● БАСКЕТБОЛ

«МҲСК-1» — ҚУБОК СОҲИБИ

Пойтахтимизда баскетбол бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари якунланди. Унда ўн уч жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб ғолиблик учун куч синашди. «МҲСК-1» жамоаси Тошкент давлат техника университети талабаларини 108:54 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақа ғолиби бўлди. Бухоронинг «Университет» жамоасини 82:78 ҳисобида доғда қолдирган Ўзбекистон миллий университети вакилларига учинчи ўрин насиб қилди.

● ГАНДБОЛ

КУБОК СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Наманган шаҳрида эркаклар ўртасида гандбол бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувларида мамлакатимиз чемпиони — Чирчиқнинг «Танкчи» жамоаси биллур кубок соҳиби бўлди.

Олмалиқ шаҳри мезбонлик қилган аёллар ўртасидаги баҳсларда эса Тошкентнинг «Алгоритм» жамоаси ғолиб бўлди. Ушбу жамоа жорий мавсумда мамлакатимиз чемпионати ва «Мустақиллик кубоги» мусобақаларида ҳам барчани ортда қолдирган эди.

● КАРАТЭ

АЗИЗАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Хорватияда ўтган каратэнинг киокушин-кай йўналиши бўйича халқаро турнирда ўндан зиёд мамлакат спортчилари ғолиблик учун куч синашди.

Ҳамюртимиз Азиза Темирова эса уйига кумуш медаль билан қайтди.

● БЕШКУРАШ

СИДИРОВНИНГ ЮТУҒИ

Хитой Тайпейида ўтказилган замонавий бешкураш бўйича Осиё очиқ чемпионатида ўн бир мамлакатдан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Қозогистонлик Н. Кусмулдонов ҳамда япониялик М. Ешинори билан бир жамоа бўлиб мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Владимир Сидиров биринчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

● ШАХМАТ

«ТОШКЕНТ КУЗИ» ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги шахмат-шашка клубида шахмат бўйича анъанавий «Тошкент кузи» мусобақаси якунланди. Қирқ нафардан зиёд шахматчи иштирок этган баҳсларда 7,5 очко жамғарган Николай Шумовский ғолиб бўлди. **(ЎзА).**

● КАРТИНГ

«ГОРЯЧИЕ» СТАРТЫ В ХОЛОДНУЮ ПОГОДУ

28—30 ноября на картодроме в г. Гиждуване прошли соревнования на Кубок Узбекистана по картингу. В них приняли участие 77 спортсменов, представлявшие 12 команд из шести областей республики и г. Ташкента. Несмотря на установившуюся холодную погоду, на трассе разгорелась «горячая» борьба, в первую очередь между командами Хамзинского райсовета ОСО «Ватанпарвар» из г. Ташкента и Ангренской автошколы. Но вскоре стало ясно, что хамзинцы подготовлены лучше и выступают стабильнее. В результате на их счету 8 призовых мест, в том числе одно первое, четыре вторых и три третьих. Особо отличился Евгений Демещук из этой команды. Он дважды в разных классах машин поднимался на пьедестал почета, покорив первую ступеньку в одном и вторую—в другом. Лидером среди ангренцев был Максим Ущека, также занявший первое место, а его товарищ по команде Виталий Нам был третьим. С учетом других результатов ангренцы довольствовались вторым местом в общекомандном зачете, а Кубок Узбекистана получил свою прописку в Ташкенте. Третьим призером стала команда Мирабадского СТК из Ташкента благодаря усилиям Антона Туманова (первое место) и Сергея Гедзюка (второе место).

Открытием соревнований можно считать победы двух Брусенцовых, Дениса и Вячеслава, но этого не хватило команде Ташкентской объединенной технической школы, чтобы войти в тройку призеров.

Параллельно на гиждуванских трассах прошли и старты чемпионата Бухарской области. В финальных заездах этих соревнований, посвященных 900-летию нашего великого предка Абдухалика Гиждувоний, встретились представители Гиждуванской и Бухарской автошкол. Не сумев составить серьезной конкуренции своим соперникам из других областей и Ташкента в Кубке Узбекистана им пришлось выяснять отношения между собой.

Чемпионами Бухарской области стали: Ришад Галямов, Руслан Галямов, Равшан Бакаев — все Гиждуванская автошкола, Сергей Сулейманов, Виктор Сулейманов.

Дмитрий ВЛАСОВ.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Бу ҳафтада кўпдан бери эътиборсиз ташлаб қўйилган ишлар билан шуғулланинг. Ташаббускор бўлишга ҳаракат қилинг, шу билан бир вақтда эҳтиёткорликка риоя қилинг ва барча ишларда эътиборли бўлинг. Хизматда муаммолар бўлмайди.

БУЗОҚ. Касбий соҳада буюк муваффақиятларни бироз кутишга тўғри келади. Яқинларингизга ҳам кўпроқ эътибор қаратинг. Бу сизга қандайдир фойда ҳам келтиради. Хизматда сафдошлар ва командирлар билан яхши муносабатлар.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада фақат ўз кучингиз ва маҳоратингизга таянишингизга тўғри келади. Сизнинг атрофингизда турли миш-мишлар пайдо бўлиши мумкин ва бунга қисман ўзингиз сабабчи бўласиз — ўзгалар сир-асрори билан қизиқманг. Сафдошлар манфаатини ҳам ҳисобга олинг, улардан ёрдам мингизни аяманг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафтада сиз сафдошларни истиқболли умумий ишга жалб қилишингиз мумкин, бироқ шахсан ўзингиз ҳам иштирок этмасангиз, у амалга ошмайди. Сешанбада яқинларингиз билан муносабатларни йўлга қўйиб олиш имконини қўлдан берманг. Тилингизга эҳтиёт бўлинг, акс ҳолда яқинларингизнинг биринг тинчини бузишингиз мумкин.

АРСЛОН. Ушбу ҳафта шахсий режаларни амалга ошириш учун қулай вақт. Сафдошлар ва яқинларингиз билан муносабатларда манманликка йўл қўйманг. Хизматда эътиборли бўлинг, аниқ режа асосида иш юритинг. Шанбада уй билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишингиз мумкин.

ПАРИЗОД. Бу ҳафтада ўз бўйинингизга ортиқча ишларни олмасликка ҳаракат қилинг, ҳеч қандай янги ишларни бошламанг. Ўйлаган ниятларга етишиш ва ўз орзуларингизни амалга ошириш учун қулай давр. Хизматда қизиққон бўлманг. Сафдошлардан ўз ёрдамингизни аяманг.

ТАРОЗУ. Бу ҳафтада сизни кутаётган вазиятларда ички хотиржамликни сақлаб, эътиборингизни энг муҳим ишни бажаришга қаратишингиз зарур — шунда сиз муваффақиятга эришасиз. Сафдошлар ва яқинларингизга эътиборли бўлинг.

ЧАЁН. Ўз ишларингизни доимо назорат қилиб боринг, шундагина вазият сизнинг фойдангиз томонга ривожланиши мумкин. Ҳаётингизда янги, сиз учун кўнгилли ўзгаришлар бўлади. Кўп ишларингиз ортиқча хатти-ҳаракатсиз ҳал бўлади, шу сабабли энг муҳим муаммолардан қутулиб олишга ҳаракат қилинг. Командирларга янги таклифлар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎҚОТАР. Бу ҳафтада ўз куч-қувватингизни асраб, атрофдагиларга ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилиб олишларига имконият яратинг. Хизматда сиз учун ёқимли ўзгаришлар бўлиши мумкин. Сизга муваффақият ёр бўлади, барча саъй-ҳаракатларингиз ўз натижасини бера бошлайди. Оилавий муносабатларга ҳам эътибор қаратинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада ташаббускорлик ва дадиллик кўрсатишингиз зарур. Бунга қўшимча равишда тиришқоқлик ҳам кўрсатсангиз, яқин орада катта муваффақиятга эришасиз. Ўйлаган ғояларингизни амалга оширишда сафдошлар, дўстлар ва яқинларингиз қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Ўз ҳиссиётларингизни жиловлашга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА. Ортиқча ва бегона гаплардан халос бўлишга ҳаракат қилинг. Кутилмаган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундан чўчиманг—ҳаммаси яхши бўлиб кетади, фақат бир оз кўпроқ ҳаракат қилиш талаб этилади. Айниқса, ишларни олдиндан режалаштириш фойдали бўлади. Ўзингизга ишончни йўқотмаслик учун сафдошлар ва яқинларингиз билан кўпроқ мулоқотда бўлинг.

БАЛИҚ. Келаётган ҳафта умуман тинч ва осойишта бўлади, лекин бу бемалол-гарчилик қилса бўлади, дегани эмас. Сафдошлар ва дўстлар хизматда сизни қўллайдилар. Сустқаш бўлманг, чунки фаоллик сизга ҳақиқий омад келтиради. Яхши хизмат нафақат сизнинг, атрофдагиларнинг ҳам кайфиятини кўтаради.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

● ООО «Аль-Аффа» Яккасарайского р-на г. Ташкента **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. Миробадская, 118. Т.: 120-79-31.

Следующий номер газеты «Ватанпарвар» выйдет в свет 11 декабря с. г.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы: подписки — 56-03-46; заказов — 56-16-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Зак. № 0419.